

Қорёғди ЖУМАЕВ,
Санътишунослик фанлари номзоди

Нафиса АВЛИЯКУЛОВА,
Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
кафедраси ўқитувчиси

НОМИНИ АБАДИЯТГА МУҲРЛАГАН МУАРРИХ

*“2020 йил Бухоро ислом маданияти
пойтахти” га бағишланади*

Ўрта Осиё уйғониш даври мутафаккирлари орасида ватандошларимиз, таниқли олим аллома, буюк тарихчи, муҳандис Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаббор ан-Наршахий ҳам бор.

Абу Бакр Наршахий — Марказий Осиё тарихнавислигининг илк қадимий дурдоналаридан бири бўлмиш «Тарихи Бухоро» деб шуҳрат топган нодир асарнинг муаллифидир. У ўз асарини 943 – 944 йилларда араб тилида ёзган ва уни шу йилларда тахтга ўтирган Сомонийлар давлати ҳукмдори Амири Ҳамид, яъни Абу Муҳаммад Нух ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомоний (943 – 954) га бағишлаган.

Ҳозирда Наршахийнинг номи Ўрта Осиёнинг VIII–X асрлар тарихига оид деярли барча илмий тадқиқот ишларида тилга олинади-ю, аммо унинг ҳаётига доир бирор манбада маълумот келтирилмайди. Бунга сабаб, унинг бизгача етиб келган ўз асарларида ҳам шундай маълумотларнинг келтирилмаганлиги сабабдандир.

Фақат ас-Самъонийнинг «Китоб ал-Ансоб» асарида унинг тўлиқ номи, туғилган ва вафот этган йиллари эслатилади.

«Бухоро тарихи»нинг ўзида ҳам бошқа тарихий манбаларда ҳам муаллифнинг ҳаёти ва фаолиятига доир бирор кенгрок маълумот учрамайди. Фақат XIII аср муаллифи Самъонийнинг «Китоб ул-ансоб» асарида унинг тўла исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн

Закариё ибн Ҳаттоб ибн Шарик эканлиги ва у Бухоро аҳлидан (Наршах қишлоғидан) бўлиб, 286 ҳижрий (899 мелодий) йили таваллуд топган ва 959 йили вафот этганлиги эслатилади. Олим туғилган қишлоқ Наршах ёки Наршак қишлоғи бўлиб, Бухоро вилоятидаги қадимги қишлоқлардан бири ҳисобланади.

Илк ўрта асрларда Наршахда катта ҳисор бўлганлигини, бу қўрғон Муқанна қўзғолонининг марказларидан бири эканини тарихчилар қайд этишган. 776-йил апрелда Муқанна тарафдорлари билан Бухоро амири Ҳусайн ибн Маоз лашкари ўртасида Наршахда катта жанг бўлган. Ҳозирда Наршах Нарчоктепа номи билан машҳур.

Машҳур муаррих Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асари 943 – 994-йилларда араб тилида ёзилган. Бухоронинг X аср ҳукмдори Абу Муҳаммад Нух ибн Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас-Сомонийга бағишланган.

Наршахийнинг «Бухоро тарихи» тахмин қилишича, муаллиф томонидан Балазўри, Табарийлар асосида Бухорода ислом юзага келишидан аввалги даврларни ҳам ўз ичига олган. Китобнинг Бухорода ислом пайдо бўлишидан аввалги йиллар ёритилган қисми умумий асар асосида луғати ва тилининг раволиги билан ажралиб туради. Асарнинг асл кўриниши ўз ичига, шунингдек, муқаддас Бухоронинг бошқа шаҳарлардан устунрок эканлигини баён қилувчи ҳадисларни ҳам олган.

Машхур “Бухоро тарихи” китобининг Абу Бакр ан-Наршахий ёзган араб тилидаги нусхаси бизгача етиб келмаган, аниқроғи топилмаган.

Асарнинг бизгача етиб келган нусхасининг сўз бошида айтишларича, 1128 йили асли ҳозирги Қува шаҳридан бўлган, Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Қубовий Наршахийнинг китобини дўстларининг илтимосига кўра, араб тилидан форс-тожик тилларига таржима қилган. У араб тилардаги нусхадаги кўп жойларини қискартириб, таржимага киритилмаганлигини айтади. Ундан ярим аср ўтгач, асар яна кўчиришга учрайди.

Муҳаммад ибн Зуфар ибн Умар форс-тожик тилидаги таржимони иккинчи марта қискартириб баён қилган. Аммо асарни ўқир эканмиз, биз унда баъзан, мазкур 1178 – 1179 йилдан кейинги то 1220 йилгача бўлиб ўтган тарихий воқеалар, шахслар ҳақида ҳам қисқа маълумотларни учратамиз. Бу ҳол шуни кўрсатадики, Муҳаммад ибн Зуфардан кейин ҳам бир ёки бир неча бор бизга номаълум котиблар, ҳаттотлар ва тарихчилар асарни таҳлил қилиб қайта кўчирганлар. Улар ҳам ўз навбатида асарни қисқартирганлар ва қўшимча қилганлар. Қисқаси улар ўз тилларига мустақил тус берганлар. Шуни ишонч билан айта оламизки, бизни буюк юртдошларимизнинг асари ўз даврида ҳам, ундан кейин ҳам катта қизиқишга сабаб бўлган. Унинг қайта кўрилиши бунинг ёрқин мисолидир.

“Бухоро тарихи” китоби Ватанимиз тарихини унинг давлатлатчилик ва шаҳарсозлик ҳамда амалий санъатини ўрганиш учун бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади. Шу боис бу асар VII – XII аср Ўрта Осиё тарихини ўз ичида оловчи ғоятда қимматли манба ҳисобланади.

Қолаверса, асарда Бухоронинг энг қадим ўтмиши, шаҳарнинг турли номлари, барпо бўлиши, Кўхандис (Арк)нинг бунёд этилиши, тарихий шахслар Афросиёб, Сиёвуш, Кайковус, Кайзусрав, Абруй ва бошқалар ҳақида турли ҳикоятлар ва афсоналар ҳам ўрин оладики, бу китоб на фақат VII – XIII асрларда, ундан минг йиллар олдинги тарихдан ҳам бебаҳо маълумотлар келтирилган.

Бундан ташқари кўплари, бизгача етиб келмаган ва қадимги шаҳар ҳақида ҳам маълумотлар берилмаган. Жумладан, қадимги Кармана, Нур, Тавоис, Шарф, Зандана, Вардона, Афшина, Ромитан, Варахша, Байқанд ва Фараб

ҳақида тарихий лавҳалар, ҳикоят ва ривоятлар тарихчи томонидан қизиқарли қилиб ёзилган.

Бухоронинг тарихий шахслари орасида буюк сиймолари ва алломалари ҳақида қимматли, нодир маълумотлар жамланган. Бухорои шариф “Қуббатул ислом” унвонини олган буюк факих, улкан аллома, валиоллоҳ, Мовароуннаҳр улломаларнинг устози, “Муаллими ислом”, Ўрта Осиёда Ханафия масхабини ёйилишига улкан ҳисса қўшган Абу ҳас Кабр ал-Бухорий (Имом Ҳожатбарор 767832 йиллар) тўғрисида қизиқарли тарихни бизгача етиб келишида Наршахийнинг хизматлари бекиёсдир.

“Бухоро тарихида” шундай баён қилинади: “Бухоро аҳолисининг илмли бўлишига, Бухорода илм кенг тарқалишига ва имомлар, уламоларнинг ҳурматли бўлишига Абу Ҳафс Кабир сабачидир. Унинг ўғли Абдуллоҳнинг ҳам илми шу даражада юқори эдики, ҳожилар қарвони ҳаждан қайтиб келаётганда уларнинг улломалари Хожа Абу Ҳафс олдида келиб, ундан масала сўраб эдилар. Шунда Абу Ҳафс “Ўзингку Ироқдан келяпсан, нима учун Ироқ олимларидан сўрамадинг?” деганда, у олим: “Бу масалада Ироқ олимлари билан мунозара қилдим, улар жавоб бера олмадилар ва менга Бухорода бу масалани Хожа Имом Абу Ҳафс улар масаласининг жавобини тўғри ечар эди” деган эди.

Дуоси қабул бўладиган халқ орасида “Имом Ҳожатбарор” деган улуғ номга сазовор Хожа Абу Ҳафс Кабирнинг ўнлаб шоғирдлари орасида, ҳадис илмининг султони Имом ал Бухорий алоҳида ўрин тутди.

Муаррихнинг ушбу асарининг яна бир қимматли жиҳати шундаки, унда таниқли тарихчи Абул Ҳасан Абурахмон Ибн Муҳаммад ан-Нишонийнинг “Ҳазони ул-улум” асарида кўплаб тарихий лавҳалар келтирилган. Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, Наршахийнинг китобида XI асрда яшаб ўтган Нишопурийнинг асарида олинган маълумотларни таҳлил этсак, у Бухоронинг исломгача бўлган қадимги тарихини чуқурроқ ёритганига амин бўламиз. Нишопурий асарида Бухоро шаҳри ўрнашган мавзе илгари ботқоқлик ер бўлгани, тўқайзор, дарахтзор, ва қўкатзорлар кўплигидан ҳатто “бирор ҳайвон ҳам оёқ қўйишга жой топа олмаганини билиб оламиз”.

Ҳозирги кунгача Нишопурийнинг китоби қўлёзмаси топилмаган. Фақатгина буюк юртдошимиз асаридаги маълумотлар сақланган холос. Бу эса асарнинг қимматини янада оширади.

«Бухоро тарихи»ни бош манба сифатида ўрганиб, ундаги қимматли маълумотларни илмий тадқиқотларга жалб қилиш ишлари кўп вақтлардан бери давом этиб келмоқда. Бухоронинг VIII-XII асрлардаги тарихидан баҳс этувчи ҳозирги замон йирик илмий тадқиқот ишларининг ҳаммасида ҳам «Бухора тарихи»дан олинган маълумотларни учратамиз десак, муболаға қилмаган бўламиз. Шу билан баробар асарнинг бир ёки бир қанча қўлёзма нусхалари асосида тайёрланган матни ҳам бир неча бор, 1892 йили Ч. Шефер томонидан Парижда, 1904 йили Мулло Султон томонидан Бухорода, 1939 йили Мударрис Ризавий томонидан Техронда нашр қилинган. Шунингдек, «Бухоро тарихини» нинг Н.Ликошин томонидан бажарилган изоҳли русча таржимас» 1897 йили Тошкентда ва Р. Фрайнинг изоҳлар илова этилган инглизча таржимаси 1954 йили Кембрижда босилиб чиқди.

Бу ноёб китоб ўзбек тилига А.Расулов томонидан таржима этилган. Кези келганда, шуни таъкидлаб ўтмоқчимиз, буюк ватандошимиз ҳаёти ва ижоди ёритилган асарлар орасида Мисрлик олим Абдуллоҳ Абдулҳамид Сааднинг “Ўрта Осиё олимлари қомуси”да ҳам муаррих ва унинг яна икки юртдошлари, олимлар: Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил ан Наршахий ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳамдон ан Наршахийлар ҳақларида қимматли маълумотлар берилган.

«Бухоро тарихи» нинг кенг ўқувчилар оммаси диққатига тавсия этилаётган ушбу ўзбекча таржимаси бундан бир неча йил бурун Ўзбекистон Шарқшунослик институтида асарнинг Париж ва Бухоро нашрлари ҳамда мазкур институтнинг қўлёзмалар фондида сақланаётган 538811 рақамли 1235 (18191820) йили кўчирилган қўлёзма нусхаси асосида бажарилган эди. Сўнгра, ушбу сатрлар муаллифи томонидан таржимани таҳрир қилиб, нашрга тайёрлаш асносида босма ва қўлёзма нусхалар сони яна кўпайтирилиб, таржима қайтадан кўриб чиқилди ва баъзи текстологик изоҳлар тузилди. Чунончи, бу ишга «Бухоро тарихи» нинг Техронда Мударрис Ризавий

томонидан нашр қилинган форс тилидаги қиёсий нашри Фанлар академияси Осиё халқлари институтининг Ленинград бўлимида сақланаётган 1008 (15991600) йилда кўчирилган 675 рақамли ҳамда Тожикистон Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари фондидаги 1060 (1650) йилда кўчирилган 513/11 рақамли қўлёзма нусхалар жалб қилинди.

Бу қўлёзма ва босма нусхаларни бир-бирига таққослаш натижасида Техрон нашрини асос қилиб олиш мувофиқ топилди. Чунки гарчи бу нусха ҳам айрим камчиликлардан ҳоли бўлмаса-да, умуман олганда, бошқа қўлёзма ва босма нусхаларни назарда тутиб нашрга тайёрланганлиги билан эътиборга сазовордир. Бу босма нусханинг камчиликларини текшириб бориш учун эса асосан, Париж босмаси, Бухоро босмаси, Ленинград қўлёзмаси ва Душанба (Тожикистон) қўлёзмаси матнларидан фойдаланилди. Зарурат туғилган айрим ҳолларда Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг XIX асрда кўчирилган 2212/1 рақамли ва 4355/111 рақамли қўлёзмалари ҳам жалб қилинди. Жўғрофий ва шахсий номларга берилган қисқача изоҳлар Д. Ю. Юсупова томонидан бажарилган.

